

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Ф.Т.Журакулова

Тошкент давлат педагогика университети

II-босқич талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг халқаро маданий алоқалари ва уларни мамлакат тараққиётидаги ўрни масалалари таҳлил этилган. Муаллиф ушбу алоқалар айниқса, Европа Иттифоқининг ривожланган давлатлари Германия, Латвия, Болгария, Бельгия билан маданиятнинг турли соҳалари, жумладан, санъат фестиваллари, маданият кунлари, рассомлар кўргазмалари, адабиёт, илмий конференция ва конгресслар ташкил этилиши доирасида ташкил этилаётганлигини манбалар асосида ёритиб берган.

Калит сўзлар: халқаро маданий алоқалар, ташқи сиёсат, санъат кўргазмалари, гуманитар ҳамкорлик, интеграция, глобаллашув, миллий байрамлар, музей, адабиёт, мусиқа, бадий кўргазмалар, дўстлик жамияти, маданий мерос.

Annotation. This article analyzes the International Cultural Relations of the Republic of Uzbekistan and their role in the development of the country. The author highlighted the fact that these relations are organized on the basis of sources, especially within the framework of the organization of various spheres of culture, including art festivals, days of culture, artists visions, literature, scientific conferences and congresses, with the developed countries of the European Union Germany, Latvia, Bulgaria, Belgium.

Key words: international cultural relations, foreign policy, art visions, humanitarian cooperation, integration, globalism, national holidays, museums, literature, music, artistic visions, friendship society, cultural heritage.

Аннотация. В статье анализируются вопросы международных культурных связей Республики Узбекистан и их роль в развитии страны. Согласно источникам, эти отношения установлены с развитыми странами Европейского Союза, Германией, Латвией, Болгарией, Бельгией, в различных сферах культуры, включая фестивали искусства, дни культуры, выставки художников, литературу, научные конференции и конгрессы.

Ключевые слова: международные культурные связи, внешняя политика, художественные выставки, гуманитарное сотрудничество, интеграция, глобализация, национальные праздники, музеи, литература, музыка, художественные выставки, общество дружбы, культурное наследие.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг усувор йўналишларидан бири жаҳондаги ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш белгиланган.

Маданий ҳамкорлик Европа Иттифоқининг мумтоз давлати бўлган Германия билан ҳам ривожланиб келмоқда. Бу алоқалар маданиятнинг муҳим соҳалари бўлган кўргазмалар, фестиваллар, маданият кунлари доирасида айниқса, самарали бўлмоқда.

Германиянинг Фрайбург шаҳрида 2001-йил 11-июнида “Ўзбекистон кунлари” негизида катта фотоқўргазма бўлди[1]. Бунда Ўзбекистоннинг бой тарихи, мутафаккирлари, архитектураси ва бошқа маданий мероси фото ихлосмандларига тақдим этилди. Кўргазма очилишида германиялик олимлар мамлакатнинг жаҳон халқлари илм-фани ва маданиятининг ривожланишига кўшган ҳиссасини таъкидлаб, инсоният цивилизациясидаги муносиб ўрни эътироф этилди.

Икки томонлама алоқаларнинг ривожидан 2016-йил 30-мартда Ўзбекистонга Германия федерал ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайерни, 2019-йил 20-январда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевни Германияга ташрифи икки ва кўп томонлама алоқаларни мутлақ янги сифат босқичига кўтарди[2].

2016-йил 28-30-март кунлари Германиянинг Фрайбург, Хайдельберг ва Оффенберг шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди[3]. Уч кун давомида бўлиб ўтган тадбир дастурларидан ГФР таниқли олимларининг Ўзбекистон тарихий мероси ва замонавий ривожланиши ҳамда Наврўз

байрамининг ўзига ҳослигига оид маърузалари тақдимотларидан жой олди. Тадбирда иштирок этган Хайдельберг педагогика институти ректори Ханс-Варнер Хуанке, икки томонлама ҳамкорликда илмий – маърифий йўналишларда ҳам жиддий ривожланиб борётганини таъкидлади.

Сўнги йилларда Европа Иттифоқининг ёш аъзоларидан бўлган Болтиқбўйи давлатлари, жумладан, Латвия билан ҳам маданий алоқалар ривожланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Латвия билан маданий алоқаларида муסיқа санъатининг ўрни аҳамиятга моликдир. Икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида халқаро муסיқа фестиваллари ўтказиб турилиши маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг узвий равишда ривожланиб, ўзаро алоқаларни янада тараққий этишида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

2004-йил Латвия пойтахти Риганинг энг сўлим гўшаларидан бири – Кронвольда боғида буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкали очилгани икки халқнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Латвия заминида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали, 2006-йилнинг ноябрида эса Шарқда “Шайх ур-раис”, Европада “Авитценна” номлари билан машҳур бўлган мутафаккир Абу Али Ибн Сино хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик халқлар, мамлакатлар ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин тимсолидир. Буюк мутафаккирларимиз қолдирган улкан маънавий меърос замонавий маданий дипломатиямизнинг такомилида муносиб роль ўйнамоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки 1997-йилдан қўхна Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган “Шарқ таронлари” халқаро муסיқа фестивалига Латвия вакиллари мунтазам иштирок этиб, ўз санъатлари билан ҳаммани ҳушунуд этиб келишмоқда[4]. Жумладан, 2013-йил 25-30-август кунлари Латвиялик кўшиқчи Диана Пирагс ва ёш муסיқачилар гуруҳи “Шарқ тароналари” IX халқаро муסיқа фестивалида ўз чиқишлари билан иштирок этиб, ўз миллий муסיқаларини ижроси билан барчада катта таассурот қолдирдилар. Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни

узвий давоми сифатида 2019-йил 20-февралида Тошкент давлат консерваториясида машхур Латиш бастакори Эмилис Мелнгайлис ижодига бағишланган катта концерт дастурини ўтказилганлигида ҳам кўриш мумкин. Ушбу маданий тадбирларни барчаси санъатсевар халқимизга жаҳон муסיқа санъати, жумладан, латиш халқи санъати, маданий мероси билан танишиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон ташқи маданий алоқаларида Шарқий Европа мамлакатлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Сўнги йилларда кўплаб соҳаларда, жумладан, туризмни ривожлантириш бўйича юксак натижаларга эришаётган курортлар мамлакати бўлган Болгария билан ҳам маданий алоқалар ривожланиб келмоқда. Пойтахтимиздаги тасвирий санъат галериясида 2007-йил 14-апрель куни Болгариялик рассом Борис Стайковнинг “Ягона осмон остида” номли кўрғазмаси очилди. Уни Болгариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этди. Кўрғазмадан мусаввирнинг 50 дан зиёд асарлари ўрин олган. Б. Стайков асарлари шу кунгача Япония, Россия ва Болгарияда намоиш этилган эди. Кўрғазмада ўзбек рассомлари Ҳ. Мирзахмедов, В. Акудин, В. Луконинларнинг Болгария ҳақидаги асарлари ҳам намоиш қилинди[5]. Албатта, ўзбекистонлик ва болгариялик рассомларнинг ҳамкорлиги истиқболли бўлиб, у давлатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада юксалишига ҳамда халқларимиз дунёқараши ва руҳиятини ривожланишида муҳим омил бўлади.

Ўзбек миллий байрамлари ва уларнинг тарихига қизиқиш ҳам Европа халқларида йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ана шундай маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, халқларни бир-бирига яқинлаштириш учун хизмат қиладиган тадбирлардан бири 2007-йил 26-мартда Бельгиянинг Антверпендаги Берхем маданият марказида Наврўз байрамига бағишланган кеча ташкил этилди. Тадбир Ўзбекистон-Бельгия дўстлик жамияти томонидан юртимизнинг Бельгиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди[6].

Мазкур марказ залида Ўзбекистон халқ амалий санъати усталарининг маҳсулотлари кенг намойиш этилиб, ташриф буюрган меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Бугунги Ўзбекистон ва юртимизда Наврўзнинг нишонланиши мавзусига бағишланган видеофильм меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Йиғилганлар эътиборига А.Шадмуратов раҳбарлигидаги рақс гуруҳининг ўзбек миллий рақсларидан ташкил топган жўшқин концерт дастури намойиш этилди. Миллий муסיқа асбобларимиз - доира ва дўмбирани юксак маҳорат билан ижро этган Бельгиянинг “Замон” фольклор гуруҳи чиқиши эса кечага янада файз бағишлади. Ушбу гуруҳ 2005-йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро муסיқа фестивалида муваффақиятли чиқиши билан юртдошларимизга яхши маълум[7].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маданий алоқларнинг ривожлантиришда ўзида минг йиллик тарихни мужассамлаштирган, бутун инсоният учун бебаҳо дурдоналарни сақлаб келаётган мухташам музейларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Биз буни жаҳондаги машҳур Лувр, Британия, Лейден, Эрмитаж музейлари мисолида кўришимиз мумкин. Юқорида таъкидланганидек, деярли барча юқори доира вакиллариининг музейларга ташрифларини кузатишимиз мумкин. Қоловерса, Францияга ташриф буюрган меҳмонлар, сайёҳлар “Лувр” музейини ёки Буюк Британияга келганлар эса албатта, “Британия” музейини кўрмасдан қайтмайди. Чунки бу музейларда ер юзидаги кўплаб халқларнинг тарихи, маданияти, маънавиятига оид ноёб ёдгорликлар, манбалар сақланади. Бундан кўринадики, маданий осорул атиқалар, минг йиллик тарихдан сўзлаб, ўз навбатида минг йиллик истиқболларга ҳам инсониятни ундаб келмоқда.

Қисқа даврда Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг жаҳон музейларидаги моддий ва маънавий

меросларини аниқлаш, ўрганиш, жамлаш ва нашр этиш мақсадида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2017-йил 14-май куни Тошкентда “Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл” мавзусидаги халқаро илмий маданий конгресс ташкил этилди[8]. Таъкидлаш жоизки, мазкур конгресс Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига қаратилгани билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга[9]. Зеро, ана шу ҳужжатда халқимизнинг бой ўтмиши, маданий меросини чуқур ўрганиш ва асраб-авайлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ҳамда элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Маданий конгрессда шарқшунослик, археология, тарих, нумизматика, тўқимачилик, кулолчилик соҳаларига ихтисослашган 120 дан ортиқ хорижий ва 100 дан зиёд маҳаллий экспертлар орасида Италия, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Франция, Германия, Чехия, Греция ва бошқа мамлакатлардан келган илм-фан вакиллари – машҳур олимлар, музейлар ва илмий –тадқиқотлар институтлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар[10].

Бевосита ушбу лойҳада иштирок этган тадқиқотчилар томонидан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида сақлаб келинаётган юртимиз тарихи ва маданиятига тегишли ёдгорликларни ўрганиб, уларни фотонусҳаларини жамлаб бир нечта жилдли тўпламлар тайёрланди. Конгресс давомида ана шу тўпламларни яратишда иштирок этган маҳаллий ва хорижий олимларни маърузалари тингланди. Ушбу тўпламларга Европанинг кўплаб давлатларида сақланаётган маданий меъросимиз намуналари ҳам киритилган. Жумладан, нашрга тайёрланган 6 та жилддан бири, “Ўзбекистон гиламдўзлиги: асрлар

оша сақланган анъаналар” ва “Германия музейлари тўпламлари”ни ҳам борлиги аҳмиятлидир. Бундай илмий конгрессларни ўтказилиши ва бутун дунёга ёйилиб кетган ўзбек маданиятига тегишли манба ва ёдгорликларни ўрганилиши ҳамда яхлит тўплам тарзида бир нечта тилларда нашр этилиши оламшумул воқеадир.

Хулоса қилиб айтганда, маданият соҳасидаги алоқалар турли йўналишларда жумладан, маданият кунлари, санъат кўрғазмалари, илмий конференциялар, музейлараро мулоқот, турли фестиваллар, адабиёт каби соҳаларда ривожланиб келмоқда. Бу алоқалар ўз навбатида халқларни яқинлаштириб, давлатаро муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим рол ўйнамоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистоннинг тарихи буюк, келажаги ҳам буюк бўлажак // Ўзбекистон овози. – 2001. – 12 июнь.
2. Оқсаройда қабул // Халқ сўзи. – 2016. – 31 март.
3. Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари // Халқ сўзи. – 2016. – 30 март.
4. Болгариялик рассом кўрғазмаси // Халқ сўзи. – 2007. – 8 май.
5. Бельгияда Наврўз тантанаси // Халқ сўзи. – 2007. – 27 март.
6. Бельгияда Наврўз тантанаси // Халқ сўзи. – 2007. – 27 март.
7. Ўзбекистон маданий мероси – жаҳон ҳамжамияти эътиборида // Халқ сўзи. – 2017. – 16 май.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, 2017 й., 6- сон. <https://Lex.uz/docs/3107036>.
9. Ўзбекистон маданий мероси – жаҳон ҳамжамияти эътиборида // Халқ сўзи. – 2017. – 16 май.